



«...» :... «...» :... «...» :... 2408] ....

... :... :... 2408/37 ] .«...»

1. Язид ибн Хайён розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Мен, Хусойн ибн Сабра ва Умар ибн Муслим Зайд ибн Арқамниқига бордик. Унинг олдида ўтирган эдик, Хусойн: «Эй Зайд, сен жуда кўп яхшиликларни кўргансан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўргансан, ҳадисларини эшитгансан, у зот билан ғазот қилгансан, ортларида намоз ўқигансан. Эй Зайд, сен жуда кўп яхшиликларни кўрган экансан. Бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган нарсаларингдан гапириб бер», деди. Зайд шундай деди: «Эй биродарим, мен қариб қолдим, у ишларга анча бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёдлаган баъзи нарсаларимни унутдим. Мен сизларга нимани айтиб берсам, ўшани қабул қилинглар, айтмаганимни эса сўраманглар. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка билан Мадина орасидаги Хумм деган булоқ ёнида орамизда туриб хутба қилдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг ваъз қилдилар, эслатма қилдилар. Сўнгра шундай дедилар: **«Аммо баъд. Эй одамлар! Огоҳ бўлинглар! Мен ҳам бир инсонман. Яқинда Роббимнинг элчиси келиб, унга ижобат қиламан. Сизларга икки муҳим нарсани қолдириб кетяпман. Биринчиси Аллоҳнинг Китоби бўлиб, унда ҳидоят ва нур бордир. Аллоҳнинг Китобини олиб, уни маҳкам тутинглар»**. У зот шундай деб, Аллоҳнинг Китобига чақириб, унга тарғиб қилдилар. Сўнгра: **«Ва аҳли байтимни ҳам (қолдириб кетяпман). Аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман. Аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман»**, дедилар».

«Аҳли байтлари ким, эй Зайд? Аёллари аҳли байтларидан эмасми?» деди Хусойн. «Аёллари ҳам аҳли байтлари. Лекин ҳақиқий аҳли байтлари у зотдан кейин садақа ҳаром бўлганлардир», деди у. «Улар кимлар, эй Зайд?» деди у. «Улар - Оли Алий, Оли Ақийл, Оли Жаъфар ва Оли Аббос», деди у. «Уларнинг ҳаммасига садақа ҳаром қилинганми?» деди Хусойн. «Ҳа», деди у».

*Имом Муслим ривояти.*

**Бошқа ривоятда: «Билингки, мен сизларга икки муҳим нарсани қолдириб кетяпман. Бири Аллоҳ аза ва жалланинг китоби. У Аллоҳнинг арқонидир. Ким унга эргашса, ҳидоятда бўлади. Ким уни тарк қилса, залолатда бўлади», дейилган.**

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI